IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЎҚИТУВЧИ ВА ЎҚУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.Холматова

НамМҚИ

Аннотация

Мақолада ўқитишнинг интерфаол усуллари педагогик технологиянинг таркибий қисмлари сифатида таълим жараёнида муайян педагогик натижага эришишни кафолатлайдиган педагогик шарт-шароитлари эканлиги ўрганилган бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг аҳамияти кўрсатилган.

Калит сўзлар

Интерфаол усуллар, педагогик технологиялар, фаоллик, масъуллик, ишга ижодий ёндашиш, таълим-тарбия, педагог.

Таълим-тарбия соҳасининг тўхтовсиз такомиллашиб бориши ва янги имкониятларнинг юзага келиши умумтаълим муассасалари олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун ўргатиш усулларини муттасил янгилаб туришни тақозо этмоқда.

Таълим жараёнини интерфаол усуллар орқали ташкил этиш бир қатор афзалликларга эга. Бундай таълим, энг авало, ўқувчиларнинг бир-бирлари ёки уларнинг ўқитувчи билан фаол, қизғин, таъсирчан мулоқотларига асосланади. Дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг тури, усули ўргатиладиган маълумотнинг характерига қараб белгиланади. Айнан мана шу ҳолат таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширишга қаратилган янги-янги усулларни келтириб чиқаради.

Ўқувчиларнинг адабий таълимни тўлақонли ўзлаштиришлари ва амалий эгаллашларида ўқитувчиларнинг касбий маҳоратлари, хусусан ўқитишнинг замонавий усулларидан воқиф бўлишлари ҳамда улардан амалиётда методик жиҳатдан тўғри йўналтирилган ҳолда қўллай билишлари зарурий педагогик талаб ҳисобланади.

Маълумки, умумтаълим мактабларида таълим мазмунининг асосий вазифалари бу-ўқувчиларга фан асосларини ўргатиш, у ёки бу касб турларига йўналтириш ва пировардида ўқувчиларни мустақил ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади. Ўқувчи келажаги ва тақдирини ўз идеалидаги инсон ёки қайсидир бир асар қаҳрамони ҳаёти даражасида белгилайди.

Фанда келтирилган педагогик технологияларга оид таърифларнинг адабий таълимга бевосита тааллуқлилиги педагогик жараён марказида ўқувчи шахсининг туриши билан белгиланади.

Таълимнинг интерфаол усуллари ўқувчиларни фаоллаштиришга, уларни ишлатишга асосланган учун жиддий тарбиявий моҳият ҳам касб этади. Шу боис ҳар бир ўқувчида а) жамоа билан ишлаш кўникмаси; б) хушмуомалалик; в) хушфеъллик; г) кўника билиш; д) ўзгалар фикрига ҳурмат билан муносабатда бўлиш; е) фаоллик; ё) масъуллик; ж) ишга ижодий

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

ёндашиш; з) ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш; к) ўзини ҳолисона баҳолай олиш каби сифатларни шакллантиради.

Бинобарин, ўқитишнинг интерфаол усуллари педагогик технологиянинг таркибий қисмлари сифатида таълим жараёнида муайян педагогик натижага эришишни кафолатлайдиган педагогик шарт-шароитдир.

Анънавий таълим шароитида ўқитувчи: “мен ўқитаман, у мени эшитади ва мен жараённи бошқараман” муносабат ҳукм сурган педагогик жараённи ташкил этса, ўқувчи янги асар, мавзу, маълумотлар олдида мажбурлик-тобеликни ҳис қилади. Натижада у таълим жараёнининг пассиф тингловчиси сифатида мавқега эга бўлади. Аксинча, таълим жараёни интерфаол усулларни қўллаш орқали фаолликка ундовчи ҳар бир фикрни қадрловчи, тажрибалар, кечинмалар, тасаввур ва ижодий ҳаёлларни таҳлил қилувчи сифатида ташкил этилса, унда ўқувчи бадиий асарни танқидий-таҳлилий ўрганиш асосида англаб, ҳис қилиб ўзлаштирувчи фаол иштирокчи мавқеега эга бўлади.

Адабий таълимни интерфаол усуллар асосида ташкил этишда жараённинг таркибий тузилмаси пухта ва ўзаро узвий, бир-бирини тўлдирувчи муносабатларда ва олдиндан кўзланган мақсадга йўналтирилиши муҳим омиллардан саналади.

Демак, интерфаол усуллар адабий таълимда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро тенгликка асосланган фаол мулоқот, таълим жараёнида ўқувчиларнинг етакчилик қилишлари, бир-бирлари билан фикр алмашишлари, ўрганилаётган мавзу ёки ўқув материали бўйича мустақил фикрлаш, ўз қарашларини илгари суриш, уларни далиллар ёрдамида асослаш ва маълум хулосаларга келиш орқали таълим мақсадларига эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Xodjiev, N., Juraev, S., Kurbanov, K., Sultonov, S., Axatov, D., & Babayev, A. (2022, June). Analysis of the resource-saving method for calculating the heat balance of the installation of hot-water heating boilers. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 020019). AIP Publishing LLC.
2. Arifjanov, A., Samiev, L., Khaydarov, S., Kasimov, T., & Juraev, S. (2022, June). Increasing efficient use of water storage pools. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 040037). AIP Publishing LLC.
3. Arifjanov, A., Juraev, S., Kosimov, T., Khaidarov, S., & Nodirov, J. (2022, June). Definitions of the bentonite filtration coefficient in the logon deposit in the fergana valley. In *AIP Conference Proceedings* (Vol. 2432, No. 1, p. 040003). AIP Publishing LLC.
4. Juraev, S., Akramov, A., Abdurazzokov, A., & Pathidinova, U. (2022, August). Increasing the efficiency of sedimentation tanks for drinking water treatment. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1076, No. 1, p. 012049). IOP Publishing.
5. Akramov, A., Juraev, S., Xoshimov, S., Axatov, D., & Pathidinova, U. (2022, December). Optimum placement of thin-layer elements in a horizontal sedimentation tank purification of drinking water. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1112, No. 1, p. 012139). IOP Publishing.

VOLUME 7, ISSUE 1, 2023 SPECIAL ISSUE

6. Razzaqov, S. J., Jurayev, S. S., Xakimov, S. A., Qayumov, D. A., & Yuldashev, J. G. (2023, August). The importance of soil and water for increasing the strength of ceramic products. In *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science* (Vol. 1231, No. 1, p. 012080).
7. Каюмов Дилшод Абдугофур Угли (2021). СПОСОБЫ ОБРАБОТКИ ГЛИНИСТОГО СЫРЬЯ. Вестник науки и творчества, (6 (66)), 45-47.
8. Jo'Rabek, G. (2022). 'Ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov Talabalarni o'z kuchiga ishonchini mustahkamlashda pedagogik ta'sirning ahamiyati. *Oriental Art and Culture*, *2*.
9. Jo'Rabek G'Ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov (2022). TALABALARNI O'Z KUCHIGA ISHONCHINI MUSTAHKAMLASHDA PEDAGOGIK TA'SIRNING AHAMIYATI. Oriental Art and Culture, 3 (2), 724-728.
10. Jo'Rabek G'Ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov (2022). Talabalarni o'z kuchiga ishonchini mustahkamlashda pedagogik ta'sirning ahamiyati. Oriental Art and Culture, 3 (2), 724-728.
11. A.A.Atamov, J.G'.Yuldashev, D.A.Qayumov, & O.I.Dadamirzaev (2022). Oliy ta'lim muassasalarida iste'dodli talabalarni tanlash va ular bilan samarali ishlash yo'llari. Oriental Art and Culture, 3 (4), 518-522.
12. Nurmuxamad Najmitdinovich Majidov, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Ulug'Bek Inomiddin O'G'Li Jo'Rayev (2023). Ta'lim samaradorligini oshirishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning ahamiyati. Oriental Art and Culture, 4 (2), 441-446.
13. Jo'Rabek G'ofurjonovich Yuldashev, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, Abduvohid Abduvali O'G'Li Abdusamatov, & Muazzam Turg'Unmirzayevna Yuldasheva (2023). Ta'lim jarayonini ilmiy asosda tashkil etishda innovatsion texnologiyalardan foydalanishning ahamiyati. Oriental Art and Culture, 4 (2), 550-556.
14. Alisher Xaydaraliyevich Alinazarov, Dilshod Abdug'Ofur O'G'Li Qayumov, & Ulug'Bek Inomiddin O'G'Li Jo'Rayev (2023). O'zbekiston oliy ta'lim tizimida fan, ta'lim va ishlab chiqarish integratsiyasini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlari. Oriental Art and Culture, 4 (2), 234-240.
15. Арифжанов, А. М., & Жураев, Ш. Ш. (2019). Исследование водопроницаемости бентонита. *Наука и мир*, *1*(4), 33-35.
16. Arifjanov, A., & Jurayev, S. (2018). European science review.
17. Karimovich, N. M., Sharipovich, J. S., & Abduxamidovich, A. A. (2023). Filtration of natural water with increased upflow speed. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, *3*(01), 07-20.
18. Jurayev, & Sh, S. (2019). Analyze of the permeability of bentonite and sand in soil structures. *ISJ Theoretical & Applied Science, Philadelphia, USA.*, *3*(71), 437-440.
19. Алиназаров, А. Х., Қаюмов, Д. А., & Карабоева, М. (2023). Чорвачилик чиқиндилари кимёвий таркибининг биомасса энергиясига боғлиқлигини тадқиқ қилиш. *IQRO*, *3*(1), 16-18.
20. Alinazarov, A. X., Qayumov, D. A., & Dadamirzayev, O. I. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida "integratsiya uchburchagi" va innovatsion-korporativ hamkorlikning o 'ziga xos xususiyatlari. *Oriental Art and Culture*, *3*(1), 191-196.